



ИНТРОДУКЦИЯ ҚИЛИНГАН ЗАЙТУН НАВЛАРИНИ МОРФО- БИОЛОГИК ВА ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИ

Абдуллаев Саидазим Бахтиёр ўғли

Тошкент давлат аграр университети

abdullayev1015@mail.ru

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8424107>

Дунё миқёсида зайтун етиштириш бўйича олинган маълумотлар ўрганилганда манбаларда зайтуннинг келиб чиқиши, тарқалиши, морфобиологик хусусиятлари, етиштириш агротехнологияси, шунингдек, зайтун меваларини пишиб-етилиши, биокимёвий таркиби каби илмий маълумотлар келтирилган бўлсада, бироқ, мамлакатимизнинг жанубий вилоятларида, хусусан, сурхондарё вилояти шароитида зайтун навларини етиштириш агротехнологияси, баҳорги ва қишки совуқларга чидамлилиги, ўсимликларни ўсиш-ривожланиши, меваларни пишиб етилиши, биокимёвий таркиби тўлақонли ўрганилмаган.

Olea туркуми *Oleaceae* оиласига мансуб бўлиб, 30 тур, 600 га яқин авлоддан иборат бўлиб, улар бир-биридан хромосома таркиби билан фарқланади. Жумладан, зайтунда (*Olea europaea* L.) хромосома сони $2n = 46$ та [5; 36–42-б.]. *Olea* туркуми учта бўлимга бўлинади: *Tetrapilus*, *Paniculatae* ва *Olea*. *Olea* типининг ўзи ҳам икки қисмга бўлинган: *Ligustroides* ва *Olea*. *Olea* типига фақат битта тур *Olea europaea* L. киради. *Olea europaea* L. нинг 1000 дан турлари (кенжа турлари) мавжуд [6; 940–946-б.].

Ёввойи зайтуннинг келиб чиқиш ватани (*Olea europaea* subsp. *Europaea* var. *Sylvestris*) Ўрта денгиз ҳавзаси бўлса, маданий зайтун эса (*Olea europaea* L.) Испанияда ўсади. Бироқ, ёввойи турдаги олеастер хонакилаштирилганлардан бир нечта хусусиятлари билан фарқ қилади, масалан, вегетация даври билан, меваларнинг кичик ҳажми, мезокарп нисбати юқори ва мой миқдори нисбатан паст. Бироқ, ёввойи турдаги зайтун ва маданий етиштириладиган зайтун ботаник тавсифларига кўра бир хил [5; 36-42.; 4; 13–19-б.].

Табиатдаги мавсумий ўзгаришлар таъсирида ўсимликлар шунга мослашган ва уларнинг ирсий хусусиятлари шаклланган. Йил давомида ҳаво ҳарорати намлигининг ўзгариши, мойингарчилик ва сув билан таъминланиши, ёруғликнинг ҳар хил даражада бўлиши натижасида ўсимликлар ўсиш ва ривожланиш фазаларининг ҳар йили қайтарилишига олиб келади. Шунинг учун мевали, шу жумладан зайтун экинларда ҳам ҳар йили қайтариладиган ривожланиш фазаларини кураамиз.





Республикамиз иқлим шароитида, айниқса Сурхондарё вилоятида қиш ойининг охирларида баҳор ойларининг бошланиш давларида ҳаво ҳарорати кўтарилади ва мевали дарахтларда ўсиш жараёни бошланиши кузатилади. Бу жараён кеч кузгача давом этади ва ҳар йили такрорланади.

Маълумки, куз ойларида новдаларнинг ўсишдан тўхташи, баргларнинг тўкилиши, дарахтларнинг тиним даврига кириши уларни қиш ойларида бўладиган ҳавонинг паст ҳароратларидан сақлайди.

Зайтун экинларнинг тиним даври хусусиятлари, бошланиши, давомийлиги, бу даврдан чиқиши ва вегетациянинг бошланиш муддатлари ҳам шунга тўла боғлиқ бўлиб, шулар таъсирида шаклланади.

Зайтун навларида фенологик фазаларнинг ўтиш муддатлари уларнинг муҳим биологик хусусияти бўлиб, ташқи шароитларга мослашганини ва хўжалик аҳамиятини кўрсатади.

Бундан ташқари ҳар бир нав учун чангловчи навлар танлашда гуллаш муддатлари катта аҳамиятга эга.

Меваларнинг пишиш муддатлари навнинг асосий кўрсаткичларидан бири бўлиб, истеъмолчиларнинг талабларини йил давомида тўла қондириш режасини тузишга ёрдам беради. Ҳар хил муддатда пишадиган навлар билан истеъмолчиларни мунтазам равишда зайтун маҳсулотлари билан тўла таъминлаш мумкин. Умуман, зайтун навлари фенологиясини ўрганиш, уларни ташқи шароитларга бўлган талабларини ўрганишга ёрдам беради.

Биз 2015-2019 йилларда Академик Махмуд Мирзаев номидаги Ўзбекистон боғдорчилик, узумчилик ва виночилик ИТИнинг Сурхондарё филиали Бандихон тажриба хўжалигида “Ўзбекистоннинг субтропик шароитида зайтунни (*Olea europaea* L.) етиштириш технологиясини агроэкологик асослаш” ва “Интродукция орқали зайтуннинг (*Olea europaea* L.) совуққа чидамли нав ва шакллари яратишда бошланғич материалларини танлаш” мавзуларидаги амалий лойиҳа иши бўйича тадқиқот ишларини олиб бордик. Зайтуннинг хориждан келтирилган 15 та нав намуналарини куртакларнинг ғунчалай бошлаши, гуллаши ва меваларнинг пиша бошлаши ўрганилди (1-жадвал).

Навлар кесимида энг эрта куртакларнинг ғунчалай бошлаши Крымская 172 навида 22-мартда, Пиквалис навида 28-март санасига тўғри келганлиги кузатилди. Қолган барча навларимиз оралиқ ўринни эгаллади. Азарбайжондан келтирилган Бузова зейтун нави барча навлар ичида энг эрта гуллаган (16.04) бўлса, Россиядан олиб келинган Пиквалис нави энг





кеч гуллади (22.04). Гемлик, Мисри, Витакен, Чимляли, Никитская I, Никитская II навлари 19-апрелда гуллагани маълум бўлди.

1-жадвал

Оналик-навдор ўсимликлар коллекциясида вегетация фазаларининг ўтишини фенологик кузатиш натижалари, 2017-2018 йй.

Навлар	Навинг келиб чиқиши	Куртакларинг ҳунчалай бошлаши	Гуллаш, сана			Меваларнинг пиша бошлаши, сана		Ҳунчалаш-техник пишиш
			бошланиши	тугаши	давомийлиги, кун	бошланиши	техник пишиши	
Крымская 172 (андоза)	Россия	22.0 3	18.0 4	29.0 4	11	21.0 9	29.1 0	217
Азербайджан Зейтун	Азарбай-жон	23.0 3	17.0 4	23.0 4	6	08.0 9	07.1 0	194
Айвалик	Туркия	24.0 3	20.0 4	27.0 4	7	22.0 8	21.0 9	177
Бузова зейтун	Азарбай-жон	23.0 3	16.0 4	23.0 4	7	06.0 9	07.1 0	194
Гемлик	Туркия	24.0 3	19.0 4	27.0 4	9	19.0 8	16.0 9	172
Мемели	Туркия	25.0 3	20.0 4	28.0 4	8	02.0 9	11.1 0	196
Пиквалис	Россия	28.0 3	22.0 4	01.0 5	9	23.0 9	20.1 0	202
Самарали	Туркия	25.0 3	17.0 4	29.0 4	12	24.0 8	24.0 9	178
Чакир	Туркия	24.0 3	17.0 4	27.0 4	10	30.0 8	30.0 9	186
Измир Сафралик	Туркия	24.0 3	20.0 4	28.0 4	8	25.0 8	29.0 9	184
Мисри	Миср	27.0 3	19.0 4	28.0 4	9	01.0 9	20.0 9	173



Витакен	Миср	27.0 3	19.0 4	27.0 4	8	05.0 9	25.0 9	177
Чимляли	Миср	25.0 3	19.0 4	29.0 4	10	05.0 9	01.1 0	186
Никитская I	Россия	24.0 3	19.0 4	28.0 4	10	04.0 9	01.1 0	187
Никитская II	Россия	25.0 3	19.0 4	29.0 4	10	20.0 9	15.1 0	200

Гуллаш давомийлиги ўрганилганда, Азербайджан Зейтун нави 6 кунни, Крымская 172 (андоза) Никитская I, Никитская II навларини гуллаш давомийлиги 10-11 кунни ташкил этганлиги кузатилди.

Зайтун навларида “ғунчалаш-техник пишиш” фазаси навлар кесимида турлича бўлиб, 172 кундан 217 кунгача давом этганлиги кузатилди. Ғунчалаш-техник пишиш фазаси давомийлигига қараб зайтун навларини уч гуруҳга ажратиш мумкин:

- биринчи гуруҳга 172-180 кунгача бўлган (Айвалик, Гемлик, Самарали, Мисри, Витакен);
- иккинчи гуруҳга 181-190 кунгача бўлган навлар (Самарали, Чакир, Измир Сафралик, Чимляли, Никитская I);
- учинчи гуруҳга 191-220 кунгача (Крымская 172, Азербайджан Зейтун, Бузова зейтун, Пиквалис, Никитская II).

Хулоса

Тажриба натижаларидан маълум бўлдики, зайтуннинг ўрганилган нав намуналари орасидан Никитская I, Никитская II ва Крымская 172 навлари қуруқ суптропик шароитига экологик мослашувчан бўлганлиги туфайли Сурхондарё вилоятининг Олтинсой тумани “Дуғоба” маҳалласи “Sunbul Sulton Moviya” боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги тажриба майдонмида 2020-2022 йиллар давомида ушбу навларнинг морфо-биологик, физиологик ва биокимёвий кўрсаткичларини етиштириш агротехнологиясига боғлиқ эканлигини ҳисобга олган ҳолда тадқиқотлар олиб бордик

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Буриев Х.Ч., Енилеев Н.Ш. ва б. Мевали ва резавор мевали ўсимликлар билан тажрибалар ўтказишда ҳисоблар ва фенологик кузатувлар методикаси. – Т., 2014. – Б. 60-64.





2. Витковский В.Л. Изучение коллекции субтропических плодовых культур: Методические указания. Ленинград, 1989. – С.40-42.
3. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. – М.: Колос, 1985. – С.131-140.
4. Нажмиддинов Ж.Н., Гафарова С.М. Зайтуннинг интродукцияси. /Илмий мақолалар тўплами. – Т. Ўз ФА Ботаника институти, 2010. – Б. 13-19.
5. Kole, C. Wild crop relatives: Genomic and breeding resources: Temperate fruits. Springer Heidelberg Dordrecht London, New York, 2011 – P. 36-42.
6. Rallo, P., Tenzer, I., Gessler, C., Baldoni, L., Dorado, G., & Martin, A. (2003). Transferability of olive microsatellite loci across the genus *Olea*. *TheorAppl Genet*, 107. – P. 940–946.

